

Жиззах воҳасининг қадимги мудофаа деворлари

Маълумки, яхлит бир бутун Ўзбекистон тарихи дастлаб минтақамиздаги табиий географик шароитлар, сув манбалари асосида алоҳида ҳолатда маданий воҳалар шароитида юзага келган. Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган Жиззах воҳаси бундан мустасно эмас. Қулай табиий шароит туфайли бу ўлка ҳам қадимдан инсон томонидан ўзлаштирилган. Милоддан аввалги I минг йил ўрталаридан теурийлар давригача бўлган тарихий даврларга оид археологик ёдгорликлар Санзор ва Зомин ҳавзаларида ўнлаб сой ва булоқлар водийларда вужудга келган.

Аждодларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига ҳозирги Жиззах шаҳри ва унга туташ ҳудуд атрофларида обод суғорма деҳқончилик воҳалари вужудга келтирилган. Бундай иқтисодий ва маънавий-маданий бой ўлкага қўшни минтақаларда яшовчи халқлар вақти-вақти билан тажовуз қилиб тургани тарихдан маълум.

Ўлкани ҳимоя қилиш мақсадида ота-боболаримиз томонидан турли мудофаа истехкомлари, қўрғонлар ва деворлар қурилган. Ана шундай мудофаа иншоотларидан бири “Кампирдевор”дир.

1955 йил кузида Бухоро воҳаси атрофидаги Кампирдевор ҳаробаларини текшириб Тошкентга қайтаётган Мохандарё археология экспедициясининг бошлиғи академик Я.Ғ. Ғуломов Жиззах воҳасида ҳам Кампирдевор қолдиқлари мавжудлигини аниқлайди. Экспедиция раҳбарининг топшириғига биноан 1957 йил баҳорида Ҳ. Муҳамедов Жиззах воҳасидаги Кампирдевор ҳаробаларини текшириб ўрганади.

Олиб борилаган тадқиқотлар натижасида, Жиззахнинг жанубий-шарқ томонидаги Сийпанчиктепа (Олмачи маҳалласидаги ҳарбий қисм олдида жойлашган) номли V-VIII асрларга оид турар жой маконидан бошланиб, Равот ҳудудидаги Қўрғонтепага қадар қарийиб 20 км. масофада девор ҳаробалари анча яхши сақлангани аниқланди.

1959 йил баҳорида Ҳ. Муҳамедов томонидан мазкур Кампирдевор ҳаробаларини текшириш ишлари давом эттирилди. Илмий тадқиқот ишлари вақтида Жиззахдан Форишга борадиган йўл ёқасида Куёвбоши қишлоғидан Кампирдевор ҳаробаси сақлангани аниқланди. Ушбу мудофаа девори ҳаробаси шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга томон йўналишда йўлни кесиб ўтиб 3 км. чамаси атрофида тоққа бориб тақалиши кузатилади.

Куёвбоши қишлоғидан, юқорида кўрсатилган Кампирдевордан ташқари унга яқин масофада жойлашган иккинчи бир девор ҳаробаси ҳам сақлангани аниқланди. Бу девор ҳам Кампирдевор деб аталиб, биринчи деворга параллел ҳолда ўша йўналишда давом этиб, тоққа бориб туташган.

Археологик илмий тадқиқотлар натижасига кўра, Куёвбоши қишлоғи орқали ўтган Кампирдевор шимолий-шарқ йўналишда яна давом этиб, Жиззахнинг ғарб ва шимол томонларида ўрнашган обод қишлоқларни ўз ичига олган ҳолда, ёй ҳосил қилиб, шарқ томондаги Сийпанчиктепага келиб туташган. Аммо бу томонларда олиб борилган қидирув-текширув ишлари охирига етказилмаганлиги сабабли девор ҳаробалари ўрни аниқланмаган. Кейинчалик,

ерларни ўзлаштириш ишлари давомида унинг кўпгина тармоқлари текислаб юборилган.

Қалиятёпа шаҳар харобалари Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида, «Жиззах» автостанциясидан 700 м шимолда Жиззах-Пахтакор магистраль йўли ёқасида жойлашган. Жиззах воҳасининг энг катта археология обидаси ҳисобланган Қалиятёпа бир-бирига узвий боғланган. 5 та тўғри тўртбурчаксимон, квадратсимон шаклдаги тепаликлардан иборат. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган, бу комплексларнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 30 гани ташкил қилади. Қалиятёпа ҳам қадимги шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмли шаҳар бўлиб:

1. Арк - шаҳар ҳокими саройи;
2. Шаҳристон - мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган арк билан туташиб кетган шаҳар мавзейи;
3. Рабод - мудофаа девори ва хандаклардан ташқари алоҳида жойлашган 5 та тепадан иборат.

АРК Қалиятёпа комплексининг энг баланд ва маҳобатли, нисбатан яхши сақланган қисми бўлиб, шаҳристоннинг шарқий ва жанубий дарвозалари ўртасида жойлашган. Ташқи кўриниш жиҳатидан у шарқ-ғарб йўналиши бўйича озроқ чўзилган, айланага монанд шаклга эга. Унинг умумий майдони 1 га дан ошиқ, баландлиги 21 м га етади. Арkning микрорельефига қараб унинг шимолий ва ғарбий томонлари алоҳида, жанубий ва шарқий томонлари шаҳристоннинг умумий деворлари билан ураб олинганини кўриш мумкин. 1966 йил Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида арк маданий қатламлари стратиграфиясини ўрганиш учун ўтказилган қазув натижасига кўра унинг юқори қурилиш даври X-XII асрлар билан белгиланган.

ШАҲРИСТОН мазкур шаҳар харобаларининг асосий ядроси сифатида марказда жойлашган. Унинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 270x200 м ни (5,4 га) баландлиги 11-12 м ни ташкил қилади. Ер сатҳи рельефни ўрганиш асосида шаҳристоннинг учта жанубий, шарқий, шимолий дарвозалари ўрни ва уларнинг кўтарма йўллари, мудофаа истеҳкомлари тизими ва ҳарбий буржлар, сўнгги қурилиш даврига тегишли кўча ва маҳаллалар жолашуви нисбий тарзда аниқланди. Шаҳристон уч томондан эни 25-50 м, чуқурлиги 1,5-3 м гача сақяниб қолган хандаклар билан ураб олинган. Тўртинчи, шарқий томоннинг ер сатҳи турли қурилишлар оқибатида тубдан ўзгарганлиги сабабли ёдгорликка тааллуқли бирон маълумот олиш имкониятимиз умуман йўқ. Шунингдек, 1980 йилларда Қалиятёпа шаҳристоннинг асосан шарқий ва қисман жанубий ён бағирларида ер ўзлаштирилиб, кучли сув кўтариб берувчи ускуналар орқали суғориш ишлари ўтказганлиги сабабли бу ердаги маданий қатламлар деярли яроқсиз ҳолга келтирилган.

РАБОД Қалиятёпа арки ва шаҳристонини шимол, жануб ва ғарб томондан ураб турувчи 5 та алоҳида жойлашган тепалардан ташкил топган. Рабоднинг шарқий томондаги давомий қисми XX аср бошида темир йўл қурилиш даврида олиб ташланган. Мазкур тепаларни яхлит бир қурилиши иншооти эканлиги эҳтимол узоқ бўлганлиги сабабли, илк қурилиш даврий

санаси ва ривожланиш босқичлари ҳали ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, шартли равишда уларни алоҳида рабодлар сифатида рақамланган ҳолда тавсифлашиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-рабод шахристоннинг шимол томонида 25-30 м ли муҳофаа хандаклари ортида жойлашган бўлиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қисми учбурчаксимон кўринишга эга. Унинг ғарбий томони 115 м га, жанубий томони 115 м га, баландлиги 6-7 м га тенг. Рабоднинг шимолий ва шарқий томонлари ер ўзлаштириш пайтида қирқиб ташланган. Йўқотилган қисмини ҳам ҳисобга олганда 1-рабоднинг умумий майдони 2,2 га дан ортиқ бўлади. Микрорельеф тузилиши бўйича рабоднинг ғарбий дарвозаси ўрнини аниқлаш мумкин.

2-рабод шахристоннинг шимоли-шарқий кунжак томонида, 1-рабоддан 60-65 м шарққа жойлашган. Ёдгорликнинг жанубий томони йўл қурилиш учун бутунлай қирқиб ташланган. 2-рабод ғарбдан-шарққа томон чўзилган бўлиб, трапеция кўринишига эга бўлиб, умумий майдони 0,6 га ни, баландлиги 3,5 м ни ташкил этади. Ёдгорликнинг жанубий қирқимларида ўтказилган кичик ҳажмли синов қазилмаларида асосан илк ва сўнгги ўрта асрларга тааллуқли маданий қатламлар очиб ўрганилди.

3-рабод шахристондан 45-50 м масофа ғарбда Қалиятепа ёдгорлиги марказий ядроси билан параллел, шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган ҳолда жойлашган. Ёдгорликнинг қадимги, дастлабки кўриниши деярли сақланмаган. Ҳозирги ёйсимон шакли ва ўта ўзгартирилган микрорельефидан бирон қурилиш ва иншоот ўрнини англаб олиш жуда мушкул. 3-рабод шимол-жануб томонга 300 м, шарқ-ғарб томонга 70-100 м ли ўлчамларга (2,5 га), баландлиги 4,5-5 м га эга. 60-70 йиллардаги ер ўзлаштириш пайтида 3-рабод ҳудудидан сопол хум ва кутисимон остадонлар топилган. Маълум бир тарихий даврда 3-рабоднинг маълум қисми Қалиятепалик оташпараст қавмларнинг «қабристони» (некрополь) бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Шунингдек, рабоднинг марказий қисмида «Жиловдор ота» номли муқаддас жой ва қабристон ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келаяпти. Жиловдор отага «пир» сифатида асосан чавандозлар ва йилқиси касаликка чалинган чорвадорлар сиғинишади.

4-рабод Қалиятепа шахристони шимолий дарвозасининг шундоқ рўпарасида, 2-рабоддан 35 м жанубда жойлашган. Бу рабоднинг бошқа рабодлардан фарқи шундаки, у кўтарма йўл орқали шахристоннинг шимолий дарвозасига туташиб кетган. Шахристон ва 4-рабод учун умумий битта шарқий дарвоза мавжуд. 4-рабоднинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган қисми квадратсимон шаклда бўлиб, ўлчамлари 75-70 м (0,52 га), баландлиги 8 м га этади. Ёдгорликнинг шимолий ва шарқий томонлари қирқиб ташланган. 4-рабод Қалиятепа шаҳри учун ўзига хос муҳофаа бастioni - казимет бўлиб хизмат қилган бўлиши ҳам мумкин.

5-рабод аркнинг рўпарасида, жануб томонда жойлашган бўлиб мазкур ёдгорликнинг тўрт томони ва ҳатто устки қисмида ҳам ер ўзлаштириш ишлари олиб борилган. Рабоднинг ҳозирги ташқи кўриниши тўғри тўртбурчаксимон шаклда бўлиб, унинг ўлчамлари 230x130 (3 га), баландлиги 4-5 м ни ташкил қилади. Ёдгорликнинг жанубий қирқимларида ўтказилган қазув

текширишлоари натижасида мазкур рабод маданий қатламларидан фақат V-VIII асрларга оид ашёвий далиллар олинди.

Қалиятепанинг шаҳристонининг умумий майдони 5,5 гектардан ошади. Майдоннинг умумий ҳажми антик даврда ҳам шундай бўлган. Шаҳристон кудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Деворларнинг баъзи жойларидаги хусусан, арк томонидаги умумий баландлиги 20 метрга яқин. Шунингдек, арк-жанубий девори шаҳристон девори билан умумийдир.

Шаҳристоннинг учта дарвозаси мавжуд бўлиб, ушбу дарвозалар адабиётларда жанубий, шарқий ва шимолий дарвоза деб номланган. Дарвозаларнинг икки ёнида микрорельеф бўйича ҳарбий буржлар мавжуд. Ҳарбий буржларнинг биттаси, яъни, жанубий дарвоза ёнидаги бурж қисман очилган. Дарвозанинг чап қанотида жойлашган. Ушбу бурж айрим айлана шаклида қурилган бўлиб у мудофаа деворлари йўналишининг ташқарига чиққан. М.Пардаевнинг таъкидлашича, шаҳристон мудофаа деворларининг ҳар 50 метрида шундай буржлар мавжуд бўлган. Деворларнинг кунжак қисмида ҳарбий буржлар албатта мавжуд бўлган. Шаҳристоннинг шимолий дарвозаси Қалиятепа рабодларидан бири билан тутшиб кетган. Умумий ўлчовлари 50х50 метр бўлган квадрат шаклидаги ушбу рабод мутахассислар тили билан айтганда. «Қазимет» сифатида фаолият кўрсатган, яъни зарурат туғилганда Қалиятепа шаҳрини ҳимоя қилувчи махсус ҳарбийлар «чокарлар» шу ерда яшашган. Уруш ҳар куни бўлмаган, шу сабабли чокарларнинг шаҳар аҳолисига кўшилмай алоҳида яшаши мақсадга мувофиқ бўлган. Қалиятепанинг мудофаа хандаклари ҳам кудратли бўлган. Ҳозиргача ҳам хандакларнинг энг чуқур жойи 2,5 метрни ташкил қилади. Қалиятепа шаҳристони ва унинг атрофидаги ҳозиргача сақданиб қолган 5 та работи қурилиши учун хом ашё ушбу хандаклардан олинган. Шу сабабли хандаклар вужудга келган ва сув тўлдирилиб мудофаа мақсадида фойдаланилган.

Ушбу фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, шимолий-ғарбий Уструшона - Жиззах воҳасининг энг қадимги ва энг йирик шаҳар ёдгорлиги Қалиятепага антик даврда асос солинган бўлса, воҳа “Кампирдевор”ига эса милодий V-VI асрларда асос солинган. Воҳанинг мудофаа иншоотлари тизими икки турга бўлинади:

- а) воҳани ҳимоя қилувчи мудофаа иншоотлари – Кампирдевор;
- б) шаҳар ва қишлоқ маконлари атрофини ўраб турган мудофаа иншоотлари.

Ўлканинг мудофаа тизими ва Қалиятепанинг антик давр мудофаа деворлари тарихи махсус қазув тадқиқот ишлари олиб борилгандан сўнг янада ойдинлашади.

З.Т. Холбоев